

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «16» 3

2022-94-3-46-ХТ-сон

Ш.

Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Бюджет асосида фаолият юритувчи рахбари Д.Носиров ва “ORZU KAPITAL NUR” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбари Н.Мухиддинов мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Ш.Рашидов туман Халқ таълими бўлимига қаршли 35-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдориди бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш. 3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблаш ишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги туғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига

шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 20 700 000 (Йигирма миллион йетти юзи минг) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1,4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдидан турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иктисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустреклик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;
-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

Яқуний қондалар

Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

Шартномага
илова _____

10 Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

“ORZU KAPITAL NUR” МЧЖ
Манзил: Ш.Рашидов туман
Зиёкор КФЙ Сангзор к 110-уй
Тел./факс +99893 309-00-10
(х/в) 2020 8000 7050 8455 1001
Банкноми: “Хамкорбанк”
Жиззах в.ф
МФО: 01117
СТИР: 306 469 566
ИФУТ: 61110

Рахбарь: Н.Муҳиддинов



Буйуртмачи

Шароф Рашидов туман ХТБ
Манзил: Ш.Рашидов тумани Уч-тепа
дахаси
ШҒХ* 10002286008212709210 0075085
Ташкилотнинг СТИРи: 201 369 776
Шароф Рашидов тумани бўйича
Ҳазначилик бўлинмаси
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО: 00014
Ҳазначилик бўлинмасининг
СТИРи: 201 122 919
Рахбарь: Д.Носиров





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SHAROF RASHIDOV TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

131100, Sharof Rashidov tumani, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**

2. Loyihaning mazmuni:

Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан **Бюджет** асосида фаолият юритувчи раҳбари **Д.Носиров** ва “**ORZU KAPITAL NUR**” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи раҳбари **Н.Мухиддинов** мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

Ш.Рашидов туман Халқ таълими бўлимига қаршли **35-сонли** мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

Мазкур шартноманинг баҳоси **20 700 000 (Йигирма миллион йетти юзи минг) сўмни** ташкил қилади.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;

Sharof Rashidov tuman Xalk talimi bo'limi tomonidan 2022-yil 16-martda yuridik markazga yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Baratov